*1996 йил — Амир Темур йили*

# БУЮКЛИК ВА ИНСОНИЙЛИК

***17—18 октябрь кунлари Алишер Навоий номидаги Академик Катта театрида соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган «Амир Темур: буюклик ва инсонийлик» мавзуида Ўзбекистон театрларининг фестивали бўлиб ўтди.***

Фестивалнинг шарти шу эди: ҳар бир театрга 15 дақиқадан вақт берилади. Шу дақиқа давомида улуғ бобокалонимиз ҳақидаги спектаклнинг энг ҳаяжонли саҳнаси намойиш этилади.

Қатнашчилардан савол тушди: Шу берилган фурсат давомида қўйилган парчага қараб, бутун спектакль ҳақида хулоса чиқариб бўлармикан?

Бу саволга Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси раиси Бернора Қориева мантиқли жавоб берди:

— Агар мендан спектаклдан уч дақиқалик саҳнани намойиш қилишни сўрасалар, шу фурсатда Амир Темурнинг ўй-кечинмалари, изтироблари мужассамлашган саҳнани намойиш этардим. Спектаклнинг энг ҳаяжонли нуқтасини томоша қилиб, бутун спектаклга баҳо берса бўлади. Қани эди, имкон бўлса бутун саҳнани томоша қилсак. Ҳамонки, танловимиз Амир Темур роли ижросига асосий эътиборни қаратган экан, баҳолаш имконини ҳайъат аъзоларига қўйиб берсак. Ўйлайманки, улар бу вазифани уддалай оладилар.

Биринчи куни 8 нафар театр ўз саҳналарини намойиш этди.

Баҳс холис бўлиши учун қуръа ташланди.

Томошани мезбонлар, Алишер Навоий номидаги Академик Катта театри Алишер Икромовнинг «Буюк Темур» ва Г, Генделнинг «Амир Темур» операси билан бошлаб берди.

Иккинчи бўлиб саҳнага Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри чиқди. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси. Жуда чиройли саҳна. Ғира-шира тонг. Азон овози эшитиляпти. Ўйга толган, тонг олдидан кўрган тушининг таъсиридаги Амир Темур сиймоси. Ҳаяжонли саҳна — Соҳибқироннинг Аҳмад Яссавий руҳи билан мулоқоти.

Шундан кейин саҳнага Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона мусиқали драма театри чиқди. Тўра Мирзо асари — «Амир Темур ва Тўхтамишхон». Саҳнада Амир Темур саркардалик либосида намоён бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, театрлар Соҳибқирон ҳаётининг турли даврларини саҳнага олиб чиққанлар. Шу куни А. Хўжаев номидаги Сирдарё мусиқали драма театри Хусейн Жавиднинг «Амир Темур», Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқа театри А. Ориповнинг «Соҳибқирон», Ю. Ражабий номидаги Жиззах мусиқали драма театри О. Ёқубовнинг «Фотиҳ Музаффар», М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё мусиқали драма театри А. Ориповнинг «Соҳибқирон», М. Уйғур номидаги Сурхондарё мусиқали драма театри Қ. Абдунабиевнинг «Елдирим Боязид» асарлари билан қатнашди.

Иккинчи куни навбат меҳмонларга берилди. Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятининг драма театри И. Сафарбоевнинг «Буюк Темур», Қирғизистон Республикаси Бобур номидаги Ўш мусиқали драма театри А. Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси асосидаги спектаклларни намойиш этди.

Қозоқ биродарлар Темур ва Боязиднинг жанг саҳнасини кўрсатган бўлса, ўшлик саҳна усталари соҳибқироннинг Аҳмад Яссавий руҳи билан учрашувини жуда гўзал ифодалаб бердилар. Дарвешлар зикри, Яссавийнинг ёқимли овози, ҳикматли сўзлари, Темурнинг мардона чеҳраси томошабинларни ҳаяжонга солди.

Фестивалнинг унутилмас дамлари бошланди. Соҳибқирон Амир Темур ролининг барча ижрочилари саҳнага таклиф этилди. Тадбир ташкилотчилари — Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси номидан Бернора Қориева ва Аҳмад Аъзам соҳибқирон ролини ижро этган актёрларга мукофотлар топширишди.

Биринчи ўрин очиқ қолди.

Иккинчи ўрин — Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Бозорбой Узоқбергеновга насиб этди. Ғолиб 15 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Учинчи ўринга Қашқадарё мусиқали драма театри актёри Музаффар Тўрақулов лойиқ топилди ҳамда 10 минг сўм пул мукофоти берилди.

Ҳаяжонларга бой бўлган шу икки кун театр саҳнаси тарихида ёркин саҳифа бўлиб қолади.

Абдураҳмон ЖЎРАЕВ.

***СУРАТДА:** фестивалда намойиш этилган саҳна асаридан бир парча.*

*Муҳаммад Амин олган сурат.*



## МАҲАЛЛАЛАРДА ШОДИЁНАЛАР

Ҳамза туманида ҳам бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйига муносиб совғалар билан келинди. Туман аҳли ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришиш билан бир қаторда маданият, маърифат ва маънавият соҳасида ҳам анчагина ишларни амалга оширишди.

Улуғ санага бағишланган тантаналар барча маҳалла ва мактабларда бўлиб ўтаётир.

— Биз улуғ санани катта шодиёна ва кўтаринки руҳ билан кутиб олдик, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Каримова. — Энг аввало эзгу мақсад, катта ишонч билан туман ҳокимлиги ва фаоллари раҳбарлигида 30-махсус-интернат мактабида ўқиётган 10 нафар болажонларнинг суннат тўйини ўтказдик. Бу кун фақат тўй болалари эмас, балки шу мактабда тарбия ва билим олаётганларнинг эсида қоларли даражада шодиёна бўлди.

Амир Темур бобомиз даврида ҳам аёлларимиз юксак эътиборда бўлишиб, улар қаттиқ эъзозланишган. Шунга жавобан сарой аёллари ҳам ўз тадбиркорликларини намойиш этганлар. Туманимиз аёллари томонидан ташкил этилаётган фирма ва кичик корхоналар, жамоа корхоналарда иш юритаётган тадбиркорларимизни худди ўша сарой аёлларига ўхшатгим келади. Шунинг учун ҳам бобомиз таваллудига бағишлаб «Дўстлик» маҳалласида «Аёл қалби» деб номланган давра суҳбатини ташкил этдик. Унда фақат темурийлар даври аёллари ҳақида эмас, балки шу куннинг фидойи аёллари, хотин-қизлари ҳақида, уларнинг олиб бораётган ишлари ва келгуси режалар ҳақида суҳбатлашдик. Ҳофизлару хонандаларнинг хонишлари барча ўтказилган тадбирларимизга файз киритди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйи муносабати билан мана шу маҳалла гузаридаги «Қорасув» жамоа корхонаси ҳам иш бошлади. Бу корхонанинг раҳбари Рихсихон Хайруллаева ҳам тадбиркор аёлларимиздан бири бўлиб, у киши оилавий пудрат асосида иш бошлади. Бир вақтлар кўримсиз бўлиб ётган кичкинагина ошхона бугунги кунга келиб катта жамоатчиликка хизмат кўрсата оладиган жамоа корхонасига айлантирилди.

Гулзода АБДУЛЛАЕВА.

## ЁШЛАР ЭЪЗОЗИДА

Шаҳримиздаги барча мактаблар, боғчалар, билим юртларида Соҳибқирон таваллуди тантаналари давом этмоқда.

— Буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида уч босқичдан иборат махсус режа тузилиб, унга асосан тантаналар дастлаб мактаб, мактабгача тарбия муассасалари ва хунар-техника билим юртлари, сўнг туман халқ таълими бўлимлари ҳамда шаҳар миқёсида ўтказилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси назоратчиси Мукамбар Азимова. — Шунга асосан адабий, бадиий кечалар, ёзувчи ва шоирлар, тарихчи олимлар, ҳуқуқшунослар билан учрашувлар, китобхонлар конференциялари, Амир Темур номи билан боғлиқ қадамжоларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Шаҳар халқ таълими тасарруфидаги кўпгина мактаб, боғча ва ҳунар-техника билим юртларида шу мавзуда турли фанлардан очиқ дарс-семинарлар, викторина, савол-жавоблар, ўқувчилар ўртасида реферат, альбом, стендлар ва расмлар кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Яккасарой туманидаги 118-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари Самарқанд ва Бухородаги Соҳибқирон қадамжоларига саёҳат қилдилар. Яқиндагина Амир Темур таваллудига бағишланиб шаҳар бўйича ўқувчиларнинг спорт мусобақалари якунланди. Айниқса Собир Раҳимов туманидаги 249, Ҳамза туманидаги 216 ва Юнусобод туманидаги 273-мактабларда ўтказилган туман миқёсидаги байрам тадбирлари жуда қизиқарли кечди. Уларда шоир ва ёзувчилардан Муҳаммад Али, К. Турдиева, Турсун Али, Муҳаммад Юсуф ҳамда А. Раззоқов, Б. Аҳмедов каби тарихчи олимлар, туман ҳокимликлари, маҳалла қўмиталари ва хотин-қизлар кенгашларидан вакиллар иштирок этди.

Шунингдек, йил давомида Амир Темур хиёбонида Туркия билан ҳамкорликдаги ўзбек-турк ўғил болалар лицейи, Чилонзор, Мирзо Улуғбек туманидаги мактаблар ўқувчилари очиқ дарслар ўтказишди. Уларда А. Асқаров, А. Муҳаммаджонов каби тарихчи олимлар, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, Ўзбекистон халқ артисти Т. Мўминовлар қатнашиб, дарсларнинг янада сермазмун ва мароқли ўтишида яқиндан кўмаклашдилар.

Ҳа, мустақиллик шарофати билан буюк Соҳибқироннинг бой маънавий меросини ўрганиш эндигина бошланди. Ушбу меросни тинмай ўрганиб, унинг янги қирраларини очиш эса озод республикамиз ҳар бир фарзандининг бурчидир.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

## КОРЕЯ САНЪАТИ НАМУНАЛАРИ

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг «Ҳамар» халқаро алоқалар марказида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган Корея Республикаси рассомларининг асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган асарлар жаҳон рассомлик санъатининг турли жанрларига ва поғоналарига тегишли бўлиб, табиат манзаралари, ижтимоий ҳаётнинг айрим кўринишлари, инсон гўзаллиги ва бошқа қатор мавзуларни ўзида акс эттирган. Уларда биз умуминсоний қадриятлар, ҳаёт қонуниятлари, давр руҳининг ижодкор тафаккури ва тасаввуридаги аксини кўрамиз. Кўргазмалар залида жаҳон маданиятидан мустаҳкам ўрин олган ва янада такомиллашиб бораётган санъатнинг яна айрим йўналишларига оид етук асарлар ҳам бор.

Кўргазмада намойиш этилаётган санъат асарлари ва муаллифлар акс этган каталог бу кўргазманинг ижодкорлари бир неча авлод вакиллари эканлигини кўрсатади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

*Воқеа арафасида*

# ҲАВО ҚАТНОВЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ

### УНИ «ЕВРОКАТ — 200» КАФОЛАТЛАЙДИ



Шу йил 1 ноябрда Ватанимизга учиб келадиган ёки Тошкентдан Ҳамдўстлик ва хориж шаҳарларига самолётларда йўл оладиганлар, эҳтимол, уларнинг бу парвозлари одатдагидек эмаслигини сезмай қолишлари ҳам мумкин. Худди шу кун Тошкент аэропортидаги Ҳаво қатновларини бошқариш марказида ўрнатиладиган ўта ноёб, тенги йўқ «Еврокат—200» ўта замонавий тизимини синаб кўришга киришилади. Худди шу 1 ноябрь куни бу тизим фазо чексизликларида самолётлар учун ўзига хос йўлбошчи бўлади. У парвозларни назорат қилиб бориш билан бир қаторда ҳаво қатновларини бошқариш билан боғлиқ ҳамма юмушларни ўз зиммасига олади.

Мутахассислар бу кунни орзиқиб кутмоқдалар. Франция, Туркия ва Ўзбекистон фирмалари ҳамкорликда иш олиб бораётган бу марказда ўрнатилган «Еврокат — 200» тизими ҳаво қатновлари хавфсизлигига кафолат бериш билан бир қаторда самолётлар парвозини сезиларли даражада кўпайтириш имконини ҳам беради.

Ушбу марказни барпо этиш тўғрисидаги аҳдлашувга Франциянинг «Томсон — ЦСФ» фирмаси билан бир неча йил аввал келишилган эди. Ўзбекистонлик мутахассислар улар билан улкан ҳажмда тадқиқот ишлари олиб боришгандан сўнг Тошкент аэропортидаги ҳаво қатновларини бошқариш тизимини тубдан янгилаш режаси дунёга келди. Бунинг учун марказга бошқарувнинг автомат тизими ва бошқа ўта замонавий асбоб-ускуналар ўрнатиладиган бўлди. Айни пайтда Урганч ва Томдибулоқда радиомаёқлар ўрнатилиши режалаштирилди.

— Электрон жиҳозларни ўрнатиш ва уларни синаб кўриш ишлари ниҳоясига етди, — дейди Ҳаво қатновларини бошқариш автоматик тизими марказининг бошлиғи Рустам Солижонов. — Айни пайтда ушбу бино ташқи муҳандислик тармоқларига уланди. Бинода мўътадил ҳаво сақлаш, ёнғиннинг олдини олиш, электр таъминоти масалалари ҳам ҳал этилди. Ҳаво қатновларини бошқариш ишлари марказнинг юраги ҳисобланади. Парвозларни назорат қилиш ва бошқариш билан боғлиқ ҳамма асосий ишлар худди шу ерда олиб борилади. Ҳаво қатновларини ерда туриб аэродром парвозлари раҳбари назорат қилиб боради. У бошқарув диспетчерлик пультида ҳамда 50 метр баландликдаги старт диспетчерлик пунктида бўлиши мумкин.



Ана шу жойдан туриб аэропортни худди кафтингиздагидек кўрасиз. Сизни бу ерда ўрнатилган ўта замонавий асбоб-ускуналаргина эмас, умуман барча қурилиш ишларининг нақадар юксак даражада амалга оширилганлиги ҳам ҳайратга солмай қўймайди. Франциянинг «Шамбон» фирмаси мутахассислари яна бир бор ўз касбларининг чинакам усталари эканликларини намойиш этдилар.

Марказ тезроқ ишга тушиши учун ўзбекистонлик мутахассислар ҳам куч-ғайратларини аямадилар. Бу ердаги бино барпо этилаётган пайтда ва асбоб-ускуналар ўрнатилаётган вақтда улар кунни тунга улаб меҳнат қилдилар. Айниқса, аэропорт қурилиши бирлашган маъмуриятининг директори Хайрулла Абдуллаев, марказ директори Юрий Савков, ҳаво қатновларини бошқаришнинг радиотехника жиҳозлари бўйича бош муҳандиси Валерий Жбановнинг саъй-ҳаракатлари катта бўлди.

Гулнора ХАЛИЛОВА.

***СУРАТЛАРДА:** Тошкент аэропортидаги Ҳаво қатновларини бошқариш марказидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*



## УЗОҚ КЕТМА, ҚУЁШ!

*Йўлингга кўз тикиб,*
*Турганимни бил.*
*Орзуларга етди*
*Бу муштоқ кўнгил.*

*Узоқ кетма, қуёш,*
*Тўйиин сенга.*
*Ҳусн-жамолингдан*
*Туҳфа тут менга.*

*Орзиқиб кутганим*
*Шарқ уфқида тонг.*
*Курашлардан кейин*
*Янгиланди онг.*

*Узоқ кетма, қуёш*
*Сен борсан мен бор,*
*Ўлкамни яшартмоқ*
*Бизга ифтихор.*

*Тераклинг барглари*
*Шодон шовуллар.*
*Ҳуснингдан — ҳусн олар*
*Қишлоқ — овуллар.*

*Эркликни — адолатни*
*Истар эдик биз,*
*Ушалиб орзулар*
*Чоғдир кўнглимиз.*

*Узоқ кетма, қуёш*
*Кулган он — иқбол*
*Юртда мустақиллик*
*Кезар истиқлол.*

*Болалик боғи*



## БУҒДОЙ

*Сахий тупроқ кафтида.*
*Оташ қуёш тафтида,*
*Роса қониб сув ичиб.*
*Мўл ҳосилга тўн бичиб*
*Етилдик биз — оқ буғдой*
*Тўқ мағиз, қайроқ буғдой.*

*Тилда бошоқ — бошимиз.*
*Тарозида тошимиз.*
*Комбайнлар ўрсин деб,*
*Эл рўзғори тўлсин деб,*
*Етилдик биз — оқ буғдой,*
*Тўқ мағиз, қайроқ буғдой.*

*Меҳнат қилди элимиз.*
*Кучга тўлди белимиз.*
*Бўлмоққа тоғ-тоғ хирмон.*
*Бўрсиллаган шармой нон.*
*Етишдик биз — оқ буғдой*
*Тўқ мағиз, қайроқ буғдой.*

## ТОМЧИ СУВ

*Бир томчи сув — шаффоф сув,*
*Жилвакор ойна — кўзгу*
*Шудринг бўлиб тонгги чоқ*
*Тилга кириб хушчақчақ*
*Дер: — Мен тоққа қўнган қор.*

*Муз денгизи, шўх анҳор.*
*Милт-милт булоқ жилға сой.*

*Фаслларга кўз — чирой.*
*Кўкда кезган пар-булут.*
*Буғдойзорга ёмғир-қут.*
*Сингиб боғларда гулга.*
*Завқ бераман булбулга.*
*Кенг пахтазор — олтин кон.*

*Нафасимдан олар жон.*
*Карвон-карвон машина.*
*Йўлларда бўлмай ташна.*
*Сахийлигим этиб ёд.*
*Шаҳарлар этар бунёд.*
*Мен ҳоримас томчи сув.*
*Инсонга ҳаёт, орзу.*
*Тунда битмас нур-шуъла.*
*Гўдакларга ашула.*
*Мен-ла яшарар олам,*
*Яшнаб, яшарар одам.*

Обид РАСУЛ.




*Ўзбекистон футбол мамлакати бўлади*

# ШАҲРИМИЗ ЎҚУВЧИЛАРИ—ҒОЛИБ

Яқинда пойтахтимизда қизиқарли мусобақалардан бири — республика Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқувчи-ёшлар ўртасида футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Унда навоийлик ўқувчи-ёшлардан ташқари барча вилоятларнинг вакиллари иштирок этишди. Мусобақалар қизғин ва муросасиз, байрамона ўтди. Ғолиблик шаҳримиз ўқувчиларига насиб этди.

Футболни ривожлантиришда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг ҳам ўзига яраша ўрни ва ҳиссаси бор. Мактаб, билим юртларида ўқувчи-ёшларга бу борада шароит яратишга бош бошқарма алоҳида эътибор бермоқда. Ўқув даргоҳларини спорт жиҳозлари билан таъминлаш, турли мусобақалар ўтказиш, уларни рағбатлантириб туриш ишлари шулар жумласидандир.

Айни пайтда шаҳримизда 2 та махсус футбол мактаби, 7 та спорт мактабида футбол бўлимлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари 77-мактабда 4 та махсус футбол-интернат синфлари очилди. Яна шуни айтиш керакки, 10 га яқин мактабда жисмоний тарбия дарслари футболга ихтисослаштирилган. Бу йил шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг саъй-ҳаракати билан 121-, 112-мактабларнинг стадионларига чим ётқизилди. Энди бу масканларда ўқувчилар яйраб футбол ўйнашлари учун тўла-тўкис шароит яратилди. Шуни ишонч билан айтиш керакки, юртимиз футболини ҳимоя қиладиган, уни янада ривожлантирадиган йигит-қизлар ана шундай мактаблардан етишиб чиқса ажаб эмас.

Яна бир гап. Бугун мамлакатимизда футбол ҳакамлари масаласи муаммолиги ҳеч кимга сир эмас. Шайхонтоҳур туманидаги мактаблардан бирида ёш ҳакамлар синфи фаолият кўрсатаётганига бир йил бўлиб қолди. Унда 30 га яқин ўқувчилар ҳакамлик сирларини ўрганмоқда. Бу тажрибани, албатта, республика миқёсида оммалаштирсак яхши бўларди.

Энди республика ўқувчилари ўртасида ўтказилган футбол мусобақаси ғолиби, кўчма кубок эгаси пойтахтимиз ўқувчи-ёшларига келсак. Албатта, жуда чиройли ўйнашди. Айниқса, 11-рақамда ҳаракат қилган Евгений Сухановнинг маҳоратини алоҳида таъкидлаш даркор.

Тўлқин РЎЗИЕВ.

*Шахмат*

# ХОТИРА МУСОБАҚАСИ

Шахмат жонкуяри, фидойи спортчи Пўлатхон Саидхонов ўзбек шахмат мактабининг асосчиларидан бири саналади. Куни кеча Қўқон шаҳридаги янги театр биносида Пўлатхон Саидхонов таваллудининг 104 йиллигига бағишлаб илк марта ўтказилган республика миқёсидаги хотира турнири ҳам шахматнинг ажойиб тантанасига айланиб кетди.

Хотира турнирида Тошкент, Самарқанд, Чирчиқ, Наманган ва Қўқон шаҳарлари шарафини ҳимоя қилган республикамиздаги кучли 12 шахмат устаси ўзаро беллашди. Яқинда Ереванда ўтказилган шахмат олимпиадаси қатнашчилари Ш. Сафин ва Т. Воҳидов, Ўзбекистон терма жамоасининг катта мураббийси Д. Қаюмовлар шулар жумласидандир.

Мусобақанинг ҳар бир қатнашчиси ўзаро куч синашгач, ғолиблар аниқланди. 11 имкониятдан 8,5 очко жамғарган самарқандлик халқаро спорт усталари Шуҳрат Сафин ва Марат Жумаевлар биринчи-иккинчи ўринларни бўлишиб олишди. 7 очко билан тўртинчи ўринни банд этган қўқонлик ёш шахматчи Анвар Алиев эса илк бор спорт усталиги меъёрини бажарди. Бу гал ҳамшаҳримиз — иқтидорли мураббий, халқаро спорт устаси Дмитрий Қаюмов 6,5 очко жамғариб бешинчи ўринни эгаллади.

Турнир сўнггида мусобақанинг барча қатнашчиларига пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Мусобақаларнинг анъанавий бўлиб қолиши ҳамда П. Саидхонов номида болалар ва ўсмирлар спорт мактабини очишга келишиб олинди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

*Нуқтаи назар*

# БЕФАРҚЛИК ҲАМ ИЛЛАТ

Одамзот маблағ йиғадиганлар устидан ҳеч қачон кулмаслиги керак. Чунки у бу пулга арзимаган тилла сотиб олиши мумкин. Тилла эса она замин бағридан олинади. Шу вақтгача бировнинг йиққан тилласини орқалаб кетгани ҳақида ҳеч нарса эшитмаганмиз. Шунинг учун ҳам улар бизга унча катта хавф туғдирмайди, деб ўйлайман. Аммо, бефарқ одамлар жамият учун худди яшнаб турган экинни қуритадиган, дарахтнинг илдизини кемириб, ҳалок этадиган бузоқбошига ўхшайди. Бу «бузоқбоши»дан инсон ҳар доим узоқроқ юргани маъқул. «Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади», деганларидек бу «мавжудот» нафақат кемириш хусусиятига эга, балки ўзидан атроф-муҳитга бадбўй ҳид тарқатишни ҳам билади. Чунки у чор-атрофи кўпроқ ўғит босиб кетган жойларда болалайди. «Улфатинг ола-қарға бўлса, емишинг ўғит бўлади» деганлари аслида мана шу бўлади.

Узоқ юришни ҳамма ҳам билади. Аммо, инсоният бундайларни супуриб ташлаш йўлини изламоғи керак. Чунки жамият бефарқ одамлар — «бузоқбоши»ларга тўлиб-тошганда кўриладиган зарар жуда катта бўлади.

Бефарқ инсон табиатан беозор, кўринишдан одамохун бўлиши мумкин. Аммо, кўз олдида икковлон бир-бирини ғажиса илжайиб томоша қилиб тураверади. Ажратиб қўйишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бефарқ одам ёлғиз бу дунёнинг ўткинчи лаззатларига қул бўлиб қолган. Вазифа, бурч, виждон каби ибораларнинг ҳеч қачон фарқига бормайди, мушоҳада қилиб ҳам кўрмайди. Мана шундай фаҳмсиз кимсалар ташқи оламнинг ёвуз кучларига жуда ҳам қўл келади, яъни улар бу «бузоқбоши»ни бир ондаёқ йўлдан уриб қўйишади. Аммо ташқи оламда нафақат ёвуз кучлар, балки латиф бўлган тоза кучлар ҳам бор. Бу тоза кучлар шундай бир чексиз қувватга эгаки, ҳар қандай «бузоқбоши»нинг бурнига жуда оз фурсат ичида булоқи илиб қўя олади.

Абдураҳмон ИБРОҲИМОВ.

